

Сен барчасини қила оласан!



18:30 / 06.05.2022 5543

1977 йилда Америкалик Лора Шолтз исмли 63 ёшли кампир набирасининг қўлини босиб қолган машинанинг орқа томонини ёлғиз ўзи кўтариб уни чиқариб олишга муваффақ бўлади.

Лора оғир атлетикачи эмас, бирор марта спорт залига кирмаган ҳам. Аксинча, оддий бува эди. Суяклари оғришидан шикоят қилар, бўғимлари зирқирашидан зорланар эди. Аммо набирасининг қўли машина филдираги остида эканлигини кўргач қаердандир унда куч пайдо бўлди.

Журналист Чарльз Горфильд у билан учрашди. Кампир хафа эди. У билан гаплашишни истамас эди. Журналист унинг хафалиги сабабини билиш учун ялиниб туриб олгач кампир рози бўлди. Зеро, кампир мўъжизага ўхшаш ишни бажарган эди. Агар бу ҳолат тасвирга олинмаганида қари кампирнинг машинани кўтарганига ҳеч ким ишонмас эди.

Кампир деди:

«Мен хафаман. Чунки ҳаётим ниҳоясига етиб тугай деб турганида ҳаётнинг сирини кашф қилдим. Агар биз ўз кучимизга ишонсак, ўзимизда рағбат бўлса мўъжизалар яратишга қодир эканмиз. Набирамнинг қўли машина ғилдираги остида турганини кўрган пайтимда уни кўтаришимга ҳеч шубҳа қилганим йўқ. Мен буни машқ қилмаган эдим. Аммо мен шу лаҳзада машинани кўтаришимга тамоман ишонган эдим. Ўтган икки кун мобайнида олдинги ҳаётимни кўз олдимга келтирдим. Кўп ишлардан мени муваффақиятсизликдан кўрққаним қайтарган экан. Энди аниқ бўлдики, мен уларга қодир эканман. Аммо ўша пайтда ўзимга ишонмас эдим. Муваффақиятнинг сирини кишининг ўзига ишонишидадир»!

Бу воқеадан оладиган хулосамиз қуйидагича:

Муваффақиятнинг сирини кишининг ўзига ишонишида экан. Ўзинг ёрдам бермасанг ҳеч ким сени ерга қулата олмайди. Аксинча, ўзингга ишонмасанг ҳеч ким сени муваффақият сирини етаклай олмайди. Ҳаётдаги йўлимизни ўзимизга бўлган қарашимиз белгилайди!

Абдулқодир Полвонов тайёрлади